

Китоб танлаш санъати



09:23 / 28 январь 3143

Инсонга умри давомида китобдан содиқроқ дўст топилмаса керак. Китоб гапирмайди, лекин сизга жуда кўп нарсани ўргатади. Бу борада уларни ўзига хос устоз дейиш ҳам мумкин. Лекин китобларнинг ҳаммаси ҳам содиқ дўст бўла оладими? Барча китобни ўқийвериш керакми ёки танлаб мутолаа қилиш мақсадга мувофиқми?

Аслида китобни тўғри танлай олиш ҳам эътибор талаб қиладиган ўзига хос нозик санъатга ўхшайди. Қандай китобларни ўқиш керак деган саволга ғарблик бир олим бундай дейди: «Яхши китобларни бугун ўқинг, ёмон китобларни ўқишга эртага албатта вақт топилади». Яъни вақт оз, бугун яхши, савияли китобларни ўқиш пайида бўлинг, деган фикрни илгари суради.

Тан олиш жоиз: бир вақтлар китобларнинг камлиги илмнинг ривожига таъсир қилган, бирор керакли маълумотни олиш учун кўпроқ изланишга сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб, китобларнинг кўплиги баъзиларни шошириб, танлов масаласида иккаланишни юзага келтирмоқда. Улуғларимиз китоб топишга қийналишган бўлса, биз бугун уларни танлай олмай, бошимиз қотган...

Бобом Аҳмад Муҳаммад (Аллоҳ уларни раҳматиغا олсин) аввалги вақтлар ҳақида ҳикоя қилиб берганлари ҳамон ёдимда. У киши: «Бир нарсанинг устида изланиш учун жуда кўп вақт кетказардик, маълумотларнинг қадри

жуда баланд эди-да, дўстларимиз билан биргаликда китобларни тақсимлаб олиб, улардан нусха олиш учун уйга олиб кетардик. Нусхалаш учун кўп вақт кетгани ҳамда муқовалар жуда эски бўлгани сабаб, матнларни базўр тушуниб олар эдик. Ўша дамлар бошқача эди. Илмнинг, маълумотларнинг қадри жуда баланд эди», дердилар.

Ҳозирги кунга келиб бир маълумотни қидирсангиз, керакли мавзу юзлаб, балки минглаб ҳар хил манбада, турли тилда чиқариб берилмоқда. Биздан талаб қилинадигани – ўша маълумотларни худди оддий тошлар ичидан олмосни ажратгандек танлаб олишдан иборат. Китобларнинг сони эмас, балки сифати фойда келтиради. Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунга келиб нашр ишлари ҳам маркетингнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Савиясиз, шунчаки гўзал муқовали китоблар сони жуда кўпайди.

Қандай китобни танлаш керак?

Бирор қурилишни бошлайдиган киши, табиийки, уни тоmidан эмас, пойдеворидан бошлаб тиклайди. Худди шунга ўхшаб мутолаани ҳам оддийроқларидан, асос тушунчаларни шакллантирадиган китоблардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Худди зинадан босқичма-босқич чиққанимиз сингари китоблар ҳам муайян тартибда мутолаа қилиб борилади. Тартиб билан қилинган иш бардавом бўлади. Устозлар устози, фазилатли шайх, ҳазрат Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф: «Яккам-дуккам маълумотларни ўқиган-ўрганган кишининг фикрлари ҳам яккам-дуккам бўлиб қолади», деган эдилар.

Нима бўлганда ҳам, доимо энг яхшисига интилинг. Инсоннинг ақли, хулқ-атвори, дунёқарашини унинг кутубхонасига кўз ташлаб туриб ҳам билса бўлади.

Баъзи китобларни шунчаки ўқиб бўлмайди. Падари бузрукворим (Аллоҳ умрларини узоқ қилсин) «Ихёу улумид-дин» китобини ўқимоқчилигимни билганларида дарҳол мени тўхтатганлар. Мазкур асарни илк китобхонлик даврида ўқиш хато эканини айтган эдилар.

Шу боис китобни даражамизга қараб танлашимиз даркор. Мен илк мустақил тарзда мутолаа қилган китобим – севимли адибим Эркин Маликнинг «Шайтонваччанинг найранглари» китоби бўлган. Бунга сабаб шайтонлар, жинлар оламига болалик чоғимда қаттиқ қизиқар эдим. Бу китоб айтилган муддао бўлган. Жажжи шайтоннинг ҳийлалари ўз тилидан айтилган. Эътиборимни тортган жиҳати китоб қисқа ва ҳикоявий эди.

Авалло дунё тарихида ўз ўрнига эга бўлган, илму салоҳияти билан дунёни титратган буюк инсонлар, олимлар, ёзувчиларнинг китобларини ўқиш ва уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга интилмоқ зарур. Модомики ҳаёт жуда қисқа, бўш вақт эса жуда кам экан, қимматли вақтимизни саёз китобларга сарфламаслигимиз даркор.

Қўлга тушган китобни эмас, танлаб, саралаб олинган китобни ўқиш керак. Дид ва тафаккурингизни тарбияланг. Мустақил мутолаани саёз эмас, лекин ҳамма бирдек тушуна оладиган китоблардан бошланг.

Масалан, муслима опа-сингилларимиз учун «Сиз қандай яшамоқчисиз?», «Улуғлар шундай яшашган», «Ҳикматлар хазинаси», «Эркак кишининг камолотида аёлнинг ўрни»,

«Қизларжон», «Эй қизим», «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг 25-жузи ҳисобланган «Нубувват хонадони хонимлари», «Саҳобия аёллар» каби китобларнинг ёзилиши енгил, уларни ўқиш китобхонга қийинчилик туғдирмайди. Бу каби китобларнинг савия даражаси юқори ҳамда англаш қийин эмас.

Китобга муҳаббат қўймоқчи бўлсангиз бунинг учун аввал ўзингиз айнан нимага қизиқшингизни билиб олинг. Тарихий, бадий, дидактик руҳдагиларними ёки диний, фалсафий қарашларга бой бўлган асарларми ёки бошқа? Ҳаттоки қизиқшингизга қараб, гўзаллик сирлари, пардоз ёки пазандачиликка оид китобларни ҳам бошланишига танлаб олишингиз мумкин. Шу орқали китобларга қизиқшингиз ортади.

Бадий адабиёт мутолаасини энг қадимийсидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Мумтоз адабиёт сира эскирмайди. Энг муҳим жиҳатлардан бири шундаки, китоб танлашдан аввал, муаллифга жиддий эътибор қаратинг. Чунки китобда унинг фикрларини ўқийсиз, унинг дунёсида яшайсиз.

Оилада мутолаа маданияти

Жамият, миллатнинг ривожланиши, тараққий этиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, билимли, маънавиятли ва маърифатли ёшларнинг жамият юксалишида ўрни беқиёслигини кўриш мумкин. Бундай ёшларни баркамол этиб тарбияловчи асосий омиллардан бири – китобдир. Буюк бобокалонларимиз ҳам бола тарбиясида китобнинг ўрни бениҳоя катта эканини, уни тафаккурнинг толмас қаноти ўлароқ инсон маънавий оламини бойитиши, юксак ижодий фаолият воситаси сифатида ундан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтганлар.

Эсимни танибманки, падарим оилада барчамизни йиғиб бизга «Ҳикматлар хазинаси», «Риёз ус-солиҳийн», «Соҳилсиз денгиз» каби тарбиявий аҳамиятга эга тарихий, таъсирли ва шу билан бирга маъноси нисбатан содда бўлган китобларни ўқиб, шарҳлаб берар эдилар. Баъзилар фарзанд тарбияси – уни едириш, ичириш, кийинтиришдан иборат деб ўйлашади. Аслида фарзандга нисбатан бундай муомала уни шунчаки парвариш қилиш дейилади.

Инсон бирор жонзотни ҳам парваришлайди, эътибор қаратиб, қимматли вақтини ажратади. Фарзандга маънавий озуқа, билим берилганида бир кун албатта ширин мевани оласиз.

Оилада мутолаа маданияти шаклланган бўлса, фарзандлар бу одатда бардавом бўлишади. Овқат қилиш учун алоҳида хона, меҳмонлар учун ҳам алоҳида хона, жойлар тайёрлаймиз. Ухламоқчи бўлсак, болаларни жим қилиб, ўзимизга қулайлик яратиб ухлаймиз. Мутолаа учун ҳам муайян жой тайёрлаш, қулайлик яратиб вақтимизни ажратмоғимиз даркор.

Диққатни жамлаш жуда муҳим

Сизни сиз истаган келажакка элтадиган нарса – диққатдир. Бутун диққатингизни фақатгина бир нарсага қаратинг. Мутолаага муҳаббат қўйинг, шунда диққат ҳам жам бўлади. Уйқунгиз келавермаслиги, диққатингиз бўлинаввермаслиги учун тикка туриб ўқиш услубини қўлласангиз, албатта фойда беради.

Помидор услуби

Жараён жуда содда: белгиланган лойиҳага сарфламоқчи бўлган вақтингизни қисқа, 25 дақиқалик «давр»ларга бўлиб оласиз ва ҳар бир шундай даврдан кейин кичик, 5 дақиқалик танаффус қиласиз. Яъни 25 дақиқа ишлаб, 5 дақиқа дам оласиз. Ҳар бир 25 дақиқа «помидор» деб аталади. Ҳар 4 та «помидор»дан кейин каттароқ, 15–20 дақиқалик танаффус қилинади ва мутолаа жараёнидаги камчилик ҳамда ютуқлар ёзиб чиқилади.

Бу услуб сизни вақтни қадрлашга ўргатади. Шунингдек, бу жараён орқали имкониятларингизни чуқурроқ таҳлил қиласиз. Бир неча кунлик машғулотлар натижасида маълум бир ишни уддалаш учун сизга нечта «помидор» керак эканини аниқ билиб оласиз.

Сиз дангаса эмассиз

Сиз дангаса эмассиз. Шунчаки бир дамнинг ўзида кўп нарсага эришишни хоҳлайсиз. Бир вақтни ўзида мингта нарсани хоҳлаш – сизни умуман ҳаракат қилмасликка олиб келади.

Ундан кўра, ана шу мингтанинг ичидан энг муҳимини танланг ва бор диққатингизни унга қаратинг.

Кўп ейиш, кўп ухлаш ва кўп гапириш кабилар дангасаликни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади. Бу иллатлардан динимизда қайтарилган ва замонавий тиббиёт ҳам инсон учун зарарли эканини исботлаган. Кўп ейиш орқали ҳазм тизими бузилади. Қон айланиши секинлашади ва ҳоказо.

Озуқалар уч хил даражада бўлади: ҳожат даражаси, кифоя даражаси, ортиқча миқдор.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонга қаддини тиклаб туриш даражасидаги луқмалар кифоя қилишининг хабарини берганлар. Бу билан унинг қуввати сусайиб, заифлашмайди, балки акси бўлади. Инсон табиати кўп таом билан эмас, балки ундан қабул қилгани миқдорича қувватли бўлади.

Уйқу вақти

Уйқу ҳаётий заруратдир. Меъёрдаги уйқу тана ва миямизнинг ривожини таъминлаш билан бирга биологик ритмларнинг тартибга солади, кун давомида тўпланган маълумотларни қайта тиклаб, уни таҳлил қилиш имконини беради.

Аммо жуда кўп ухлаш мияни қаритиши ва ақлий таназзулни кучайтириши мумкин. Умумий соғлиқнинг ёмонлашиши, натижада эса умрнинг қисқаришига олиб келиш эҳтимоли бор. Шу сабаб тунда эрта уйқуга ётиш ва эрта уйғониш тажрибада синалган энг самарали уйқу вақтидир.

Хулоса ўрнида

Ҳар бир нарсада мўътадилликни ушлаш, Аллоҳ бизга неъмат ўлароқ омонат қилиб берган организмимизни соғ-саломат, сифатли умр кечирган ҳолатда қайтармоғимиз лозим.

Китобхон бўлиш учун китоб ўқишнинг ўзи кифоя эмас. Саломатлигимиз, кун тартибимиз ва, энг асосийси, китобни тўғри танлашимиз, мутолаа сирларини ўрганишимиз ҳамда амал қилишимиз зарур.

Сакина Анвар қизи
«Ҳилол» журналининг 4(49) сонидан